КАРМАНА РАЙОНИДА КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ ВА ҚУЛОҚЛАШТИРИШ СИЁСАТЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

Х. ҚУРБОНОВ

В данной статье освещен процесс проведения принудительной коллективизации и раскулачивания в Карменинском районе в 20-30-е годы XX века, а также их последствия.

The process having forced collectivization and plundering in the district of Karmenin in 20-30-th XX century, as well as their consequences cast in this given article.

Ўзбек халқи ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳаларда туб бурилишлар ва ислоҳотлар бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: “Ҳар қайси халқ миллий қадриятларини ўз мақсад-муддаолари, шу билан бирга, умумбашарий тараққиёт ютуқлари асосида ривожлантириб, маънавий дунёсини юксалтириб боришга интилар экан, бу борада **тарихий хотира** масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Яъни, тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади”[1;97] - деб таъкидлайди.

Бугунги кўплаб ҳақиқатларнинг асл манбаи советлар даври тарихи қаърига яширинган. Бу даврда иқтисодиётни таназзулга маҳкум этган давлат мулкининг ҳукмронлиги , ўзбекона жамоавийликдан фарқли ўлароқ хўжалик, маданий ва интеллектуал ҳаётни мажбуран коллективлаштириш, қулоқлаштириш, фожеали оқибатларга олиб келган оммавий қатағон, сургун қилиш сиёсати амалга оширилди. XX асрнинг 20-30 йилларида амалга оширилган бу сиёсатлар ҳар бир вилоят, ҳар бир район, ҳар бир қишлоқ, ҳар бир оила аъзолари, айниқса қишлоқ аҳолиси ҳаётида аянчли оқибатларга сабаб бўлди.

ВКП(б) МКнинг 1930 йил 5 январдаги “Коллективлаштириш суръати ва колхоз қурилишига давлат ёрдами бериш тадбирлари тўғрисида”ги қарори коллективлаштириш жараёнини сунъий тезлаштиришнинг авж олишига бош омил бўлди.

Ушбу сиёсат барча ҳудудларда амалга оширилди, шу жумладан Кармана районида ҳам. Кармана – Навоий вилоятида, қадимда Буюк ипак йўлида жойлашган тарихий маконлардан биридир. У Зарафшон дарёсининг сўл қирғоғида жойлашганлиги сабабли ерлари асосан суғорма деҳқончиликка асослан - ган. 1920 йилнинг

сентябрида Кармана беклиги тугатилиб, совет ҳукмронлиги ўрнатилди. Совет давлатининг Ўзбекистонда амалга оширган маъмурий районлаштириш сиёсати натижасида 1926 йилда Кармана райони ташкил этилиб, бир неча ўн йиллар давомида Бухоро вилоятининг, кейинчалик Навоий вилоятининг йирик иқтисодий, маъмурий, ҳозирги кунда Кармана туманининг маъмурий маркази.

1929 йилнинг охирларига келиб Кармана райони совет ҳокимиятининг мажбурий коллективлаштириш районига айлантирила бошланди. 1929 йил 15 декабрдаги Иттифоқ Ер ишлари халқ комиссарлигининг ҳудудларда ўтказилаётган коллективлаштириш борасидаги ҳисоботида Зарафшон округида 6 та районнинг 15 фоизга коллективлаштирилганлиги қайд этилган.[2;52-59]

1930 йилга келиб Кармана райони қишлоқларида коллективлаштиришни ўтказишга бириктирилган масъул ходимлар аҳоли орасида турли алдов ваъдалар бериб, уларга бепул равишда меҳнат инвентарлари, трактор ва машиналар беришни ваъда қилиб, ёлғон, бўҳтон ҳамда қўрқитишларни ишга солиб деҳқонларни зўрмазўраки колхозларга жалб қилишга киришганлар. [3;257]

1930 йил декабр ойига келиб, Кармана районида 9389 хўжалик бўлиб, улардан 558 хўжалик 16 та колхозга умумлашган ва умумий коллективлаштириш 18,7 фоизни ташкил қилган.[4] Районда чорвачилик ҳам ривожланган бўлиб от, шохли ҳайвонлар ва қўй боқиб, етиштирилган.

Коллективлаштириш борасида тузилган махсус комиссия 1931 йилнинг 29 апрелдан 10 майгача бўлган вақтда районлардан қоракўл қўзиларини қўлга киритиш бўйича бир қатор тадбирларни амалга оширган. Ана шу тадбирлар асосида Кармана районида 898 бош қоракўл қўзилари мавжуд 3 та хўжаликдан 508 қўзи колхоз ва совхозлар ихтиёрига мусодара этилган. [5;451-452]

1935 йилга келиб Кармана районида 108 та колхоз бўлиб, унда 20518 кишини бирлаштирган 5827 хўжалик фаолият юритган ва коллективлаштириш даражаси 88,2 фоизни ташкил қилган.[6]

Аҳолини колхозларга киритиш мажбурий ва зўравонлик тазйиқида амалга оширилиши деҳқонлар ва қишлоқ аҳолисининг колхозларга қарши кучли норозилик ҳаракатларига сабаб бўлган. Биргина 1930 йилнинг мартида Кармана районида 260 нафар колхозчи коллективлаштиришга қарши чиқиб, оммавий норозилик кўтарганлар. Бунинг оқибатида 200 киши колхозни тарк этган, 15 нафар бой ҳибсга олинган [3;252].

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг 1930 йил 28 январдаги “Қулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида Ўрта Осиё республикалари партия ва совет органлари қулоқларни синф сифатида тугатиш ва қатор районларни ёппасига коллективлаштириш районлари деб эълон қилди.

Ана шу қарор, тегишли кўрсатмалар асосида қулоқлаштиришни амалга ошириш мақсадида Кармана райони 7 та участкага ажратилди ва қишлоқ советлари бўйича масъул ходимлар белгиланди: 1. Кармана участкаси - Кармана шаҳри (Катаев), Варқ (Зокиров), Янги ариқ (Раҳматуллаев), Айрончи (Тиллаев); 2. Бурқут участкаси - Уйрот (Аҳмедшин ва Мирзаев), Дўрман (Дубровин); 3. Янги Қўрғон участкаси - Янги қўрғон (Сухоплюев ва Отахонов), Арабсарой (Қаҳҳоров, Содиқов ва Гуржиев), Маржон-хотун (Ширмуротов); 4. Ҳазора участкаси - Армижон (Мирзакаримов ва Раҳмонов), Ҳазора (Гатаулин ва Умирзақов); 5. Қалқон-ота участкаси - Қалқон-ота (Шевченко ва Абдураҳмонов), Учтут (Сионов ва Қорахонов); 6. Туркистон участкаси - Туркистон (Гаргин, Солихов ва Эпштейн), Сармишсой (Отамуродов, Маханов ва Аҳмедов); 7. Жалоир участкаси - Жалоир (Кулармедов ва Турдиев). [5;548]

1932 йил майда Ўз КП(б) Марказий Комитетининг “Кармана районида ёппасига коллективлаштириш асосида қулоқларни синф сифатида тугатиш тадбирлари тўғрисида”ги ёзма маълумоти [7] да қулоқларни синф сифатида тугатишдаги тайёргарлик ишларининг олиб борилиши қуйидагича таърифланган:

- Ўз КП(б) МКдан масъул ходим Ризаевнинг келгунига қадар Кармана район ГПУси томонидан 1-тоифа бўйича 33 хўжалик аниқланган ва концлагерларга юборилган;

- район партия қўмитаси Зокиров (1930 йил дан Ўз КП(б) аъзоси) раислиги ва аъзолар Абдураҳмонов (РИК раиси ўринбосари), Катаев (район ГПУ бўлими бошлиғи)лар ҳамкорлигида сиёсий комиссия тузган. Ушбу комиссия апрель ойининг ўзида ГПУ ходилари ҳамкорли-

гида 135 нафар қулоқ хўжалигини аниқлаган. Ризаев келгандан сўнг бу комиссия тугатилган ва унинг раислигида сиёсий “учлик” (Ризаев, Хамдамов, Абдураҳмонов) тузилган;

- аниқланган 135 қулоқ хўжалигидан 85 таси 2-тоифа бўйича (1932 йил 9 майдаги қарор билан), 16 таси 3-тоифа бўйича сургунга ҳукм қилиниб, қолганлари касаллиги, ёши ва турли сабабларга кўра ҳибсдан озод қилинган.

Кармана районида амалга оширилган коллективлаштириш, қулоқлаштириш, сургун амалиётларини ўз бошидан кечирган ватандошларимиз орасида Муқим ота Нурназаров ҳам бор эди.

Муқим ота Нурназаров Кармана райони Варқ қишлоғи (кейинчалик Янги ариқ)да яшаган. У кишининг отаси Нурназар Абдуназаров (Полвон бобо) хўжалигининг мол-мулклари мусодара қилиниб, қулоқ қилинганлиги ва ноҳақ 3 йилга қамалганлиги маълум бўлди. Муқим отанинг хўжалигида (ер, пахта, мулк, иш ҳайвонлари ва бошқа) иш режали ва камчиликсиз олиб борилган. Раҳбарларнинг “усталиги” билан уни айбсизлигини исботловчи хўжалик ҳужжатлари (Н.Абдуназаровнинг аҳли аёлига ёлғон ваъдалар бериш йўли билан) олиб қўйилган ва ҳукумат ташкилотларидан яширилган. Уйдирма баҳоналар билан хўжалик қулоқ қилинган, хўжалик бошлиғи 3 йилга ҳибсга олинган.

Муқим ота Нурназаров шундай эслайди: “Хўжаликда 20 таноб ер, 8 хонали уй, бир неча бош қорамол, от, эшак, қўй-қўзилар бўлган. Отамнинг айтишича, уйимизга қишлоқ совети раиси билан бирга бегона кишилар келиб уни идорага олиб кетишган. Ноҳақ ва уйдирма айбловлар натижасида хўжалик қулоққа тортилган ва район ташқарисига, аниқроғи (ҳозирги Самарқанд вилоятининг) Пахтачи районига сургун қилинган. Аламли томони шундаки, мол-мулклар мусодара қилинаётган вақтда, ҳатто ҳаво совуқ бўлганлигига қарамай, менинг эгнимдаги камзўлчани ҳам отамнинг кўз олдида устимдан ечиб олиб кетишган экан.” [8]

1930-1933 йилларда Кармана районининг Янги-ариқ, Жалоир, Дўрмон, Айрончи, Қиёт, Мозор ва бошқа қишлоқларидаги ўнлаб хўжаликларнинг мол-мулклари мусодара қилиниб, қулоққа тортилганлигини ҳужжатлар исботлади. [9]

1932 йил 20 майда Кармана райони (“*учлик*” - раис Ризаев, райком бўлими мудири Зокиров, райижроқўм раиси Абдураҳмонов) дан 79 хўжалик район ташқарисига сургун қилинганлиги ҳақидаги маълумот Марказга юборилган.

25 майда Ўз КП(б) МКнинг “Кармана районида ёппасига коллективлаштириш асосида қулоқларни синф сифатида тугатиш тадбирлари тўғрисида”ги ёзма маълумотида Кармана районида сургун жазосига ҳукм қилиниши керак бўлган қулоқ хўжаликларни қўлга олиш ва бу операцияни ўтказиш 12 майидан 13 майга ўтар кечасига режалаштирилган. Бириктирилган масъул шахслар белгиланган 92 хўжаликдан 79 тасини қўлга олишган, 13 таси районда бўлмаган. 13 май куни барча қишлоқ советларида камбағаллар иштирокида йиғилишлар ўтказилиб, 56 хўжалик (215 жон) сиёсий “учлик”нинг қарори билан район ташқарисига бадарға қилинган. Улардан 16 хўжалик Жалоирдан, 6 хўжалик Арабсаройдан, 5 хўжалик Кармана шаҳридан, 1 хўжалик Дўрмандан, 2 хўжалик Уйротдан, 6 хўжалик Армижондан, 3 хўжалик Қалқонотадан, 1 хўжалик Учтутдан, 5 хўжалик Ҳазорадан, 3 хўжалик Маржон-хотундан, 5 хўжалик Янги Қўрғондан, 2 хўжалик Сармишдан, 1 хўжалик Янги ариқдан бўлган. [5;547-550] Улар учун Кармана станциясида сиёсий ходимлар, комендантлар ва қўриқчилар билан таъминланган алоҳида жой қилинган.

1931 – 1932 йилларда Кармана районидан қулоққа тортилган хўжаликлар Ўрта Осиёдан ташқарига, Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистон, Украинанинг ўзлаштирилмаган ерларига сургун қилинган. [10;125]

Шу билан бир қаторда бу йилларда республиканинг ички ҳудудларига ҳам сургун амалга оширилиб, 57 хўжалик (217 жон, шулардан 69 эркак, 63 аёл, 85 бола) Кармана йиғув станциясидан сургунга олиб кетилган.[11] Улар “Ҳазорбоғ”, “Булунғур”, “Жилвон” каби меҳнат посёлкаларига жойлаштирилган.

Навоий вилоятининг Кармана райони Мир Саид Баҳром кўчаси (илгари Менжинский)да истиқомат қилаётган Бўриева Мунаввара ая (отин ая) отаси Ғаффор Бўриев ҳамда бобоси Бўри Шукуровларнинг Қарши сургунини бошдан кечирганликларини қуйидагича эслайди:

“Бобом Шукуров Бўри 1870 йили Карманада туғилган, зиёли, диндор, бой бўлган. Шу билан бир қаторда амирликда косиблик қилган. Болаларга диний ва Қуръондан таълим берган. 1938 йил 68 ёшда вафот этган.

Отам Бўриев Ғаффор Бўри 1901 йилда Карманада туғилган. Унга отасидан бир қисм мол-мулк қолган. Диний таълим ва Қуръони Каримни билган, намоз ўқиган. У кишининг 3 нафар: Бўриев Зиёдулла, Бўриева Каромат ва Бўриева Мунаввара (мен) исмли фарзандлари бўлган. 1931 йилда отам ва бобомнинг хўжалиги "қулоқ" қилиниб, бор мол-мулки мусодара этилган ҳамда мажлис қарори билан Қарши шаҳрига 2 йилга сургун қилинган. Сургун вақтида бобом Б.Шукуровни 3 йилга қамоқ жазосига тортганлар. Аммо, 60 ёшли отасига жазони лозим кўрмаган ўғли Ғ. Бўриев ўз отасининг ўрнига 3 йил қамоқ жазосини ўтаган. (Бир амаллаб йўлини топган бўлса керак, – М.Б.)." 1932 йил ёз ойларида, ўшанда мен 6 ойлик бўлган эканман, оиламиз Карманага қайтарилган. Отам 1983 йилда вафот этди."[12]

Совет ҳокимиятининг мажбурий коллективлаштириш амалиёти натижасида пахта якқаҳокимлиги ўрнатилди, хусусий мулкни тугатиш тадбирлари туфайли деҳқон ўз мулкидан ажралди, эркин меҳнат қилиш, ер ҳуқуқи, сайлаш ва сайланиш ҳамда фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум бўлди. Бу сиёсатларга қарши бир дин, бир иймон вакиллари орасида бебошликлар, кучли норозиликлар, исёнлар, ҳукуматга қарши курашлар бошланиб кетди. Бу ҳаракатларнинг иштирокчилари мол-муклидан маҳрум этилиб, қатағон чоралари билан қаттиқ жазоланди. Бу қатағон минглаб оилалар, хўжаликларни хонавайрон қилди. Ҳукуматнинг 1920-1930 - йилларда амалга оширган қулоқлаштириш сиёсати натижасида минглаб мулк эгалари, ҳатто оддий деҳқон хўжаликлари ҳам ўз ер-суви, хўжалиги, уй-жойи ва мол-мулкидан маҳрум қилиниб, узоқ ва ўзга юртларга сургун ва бадарға қилинди ҳамда мажбурий кўчирилди. Қулоқлаштириш амалиёти коллективлаштириш жараёнини янада тезлаштириш ва режаларнинг белгиланган муддатдан илгари бажарилишига сабаб қилиб кўрсатилди. Бу жараёнда амалга оширилган қатағонлар жуда оғир моддий ва жисмоний талофатлар келтирди. Ушбу сиёсатлар 1937-1938 йилларда амалга оширилган "Катта террор" фожиалари учун тайёр баҳона "вазифасини" ўтаб берди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008
2. Трагедия советской деревни: коллективизация и раскулачивание. Т. II. – М.: РОССПЭН, 2000.
3. Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Т.3., Кн.1. – М.: РОССПЭН, 2003.
4.ЎзР МДА, Р.90-фонд, 8-рўйҳат, 185-иш, 3-варақ.
5. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивания, ссылка. 1929-1955гг. Документы и материалы. Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Б.Расулов. Т.I. – Т.: Шарк, 2005.
6.ЎзР МДА, Р.90-фонд, 8-рўйхат, 979-иш, 4-варақ.
7. Самарқанд вилоят давлат архиви, 140-фонд, 1-рўйхат, 258-иш, 128-варақ.
8. Ушбу суҳбат Варқ қишлоғида истиқомат қилган (ҳозирда оламдан ўтган) Муқим ота хотираларидан ёзиб олинди. 2008 йил, 18 август. Кармана.
9. Кармана туман давлат архиви, 35-фонд, 1-рўйхат, 94-иш, 1-417 – варақлар; 74-иш, 1-384-варақлар; 87-иш, 28-35-варақлар; 89-иш, 3-258-варақлар; 92-иш, 5-325-варақлар; 93-иш, 1-128-варақлар.
10. Шамсутдинов Р., Мамажонов А. Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати. – Т.: Шарқ, 2005.
11. ЎзР ПДА, 58-фонд, 8-рўйхат, 299-иш, 81, 83-варақлар.
12. Эсдалик 2009 йил 20 июль куни М.Бўриева билан бўлган суҳбатда ёзиб олинди. Кармана, Мир Саид Баҳром кўчаси, 15-хонадон.

Андижон давлат университети
2010 йил 22 апрелдв қабул қилинган
(Тақризчи: проф: Р.Т.Шамсутдинов)